



## ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУАММОЛАР

Қўлдошев Қамариддин Мансурович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молия бозори ва сугурта иши" кафедраси профессори, и.ф.д. (DSc)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 4

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss4/a1](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss4/a1)

### ABSTRACT

Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон сугурта бозорининг ривожланиш ҳолати ва даражасини аниқлаш ҳамда унинг ривожланган сугурта бозорлари даражасига етиш учун талаб килинадиган ривожланиш тезлигини билан бирга, бозорнинг ривожланишига тўсик бўлаётган ҳолатлар ва уларни бартараф этган ҳолда камровини кенгайтириш, потенциал сугурталанувчилар ишончини таъминлаш учун амалга ошириш талаб этиладиган тадбирларни аниқлашдан иборат. Ушбу қўйилган мақсадларга эришиш йўлида муаллиф томонидан тадқиқотлар амалга оширилган ва натижаларга эришилган.

### KEYWORDS

"Сугурта", "ўзаро сугурта", "ислом", "такафул сугурта", "анъанавий сугурта", "мавҳумлик", "судхўрлик", "қимор", "ислом ҳамкорлик ташкилоти", "ислом тараққиёт банки", "исломий молиялаштириши", "шариат".

### Кириш

Дунё миқёсида глобализация жараёнлари кучайиб бораётган буғунги кунда, Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнга тобора кири бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизация килиш давом этаётган ва айниска, тадбиркорлик фаолиятининг кўлами кескин даражада ошиб бораётганилиги сугурта хизматларига бўлган эҳтиёжин янада орттиримко. Ушбу ҳолат ўз навбатида, сугурта фаолияти ва сугурта бозорини ривожлантириш, бунинг учун эса унинг хукукий, ташкилий, иқтисодий бошқариши механизмларини такомиллаштиришни, сугурталашнинг янгича шаклларини амалга киритишни тақозо этмоқда. Тахлиллар шуну кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган жуда кўплаб тадбирлар, кабул килинаётган конунлар, фармон ва карорларга қарамасдан, мамлакатимизда сугурта соҳаси ҳозирги замон талаబлари даражасида ривожлана олмаяти. Кўп сондаги потенциал сугурталанувчиларда мавжуд рисклар сугурталанмай колмокда. Сугурта иқтисодиётни диверсификация килиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Ушбу ҳолат мазкур соҳани илмий жihatдан ўрганиш ва тадқиқ килишини тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Д.Баратова томонидан тайёрланган "Ўзбекистонда сугурта бозорининг ривожланиш кўрсатчилиари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни" номли мақолада Ўзбекистон сугурта бозорининг 2013-2016 йиллардаги ривожланиш кўрсатчилиари таҳлил килинган ва хulosалар шакллантирилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон сугурта бозори ўсиб бораётган бўлсада, аҳолига сугуртага бўлган ишонч ҳамда сугурта тўгрисидаги тушунчалар етарли даражада эмаслиги, бу эса бозорнинг камрови настлигига сақланишига сабаб бўлаётганилиги келтирилган [1]. Л.Тошназарова томонидан чоп этилган "Ўзбекистон сугурта бозорида ракобатни ривожлантириш йўллари" номли мақолада Ўзбекистон миллий сугурта бозоридаги рақобат даражаси, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ҳолда, бозорда соглом ракобатни таъминлашга каратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [2]. А.Т.Умиров томонидан чоп этилган "Ўзбекистонда ракобат мухитининг жорий ҳолати ва унинг таҳлили"га багишланган мақолада Ўзбекистон миллий сугурта

бозоридаги рақобат мухити ва унинг жорий ҳолати ҳамда таҳлили амалга оширилган. Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда, сугурта бозорида тўпланаётган сугурта мукофотлари ва сугурта қопламалари ҳажми ортиб бораётганилиги, аммо шу билан бирга сугурта бозорида рақобат мухити етарли даражада эмаслиги таъкидланган [3]. Т.Қ.Аробиддин томонидан чоп этилан "Ўзбекистонда сугурта бозорини ислоҳ килиш ва уни жадал ривожлантириши таъминлаш масалалари" номли мақоласида Ўзбекистон миллий сугурта бозори катта потенциал имкониятларга эга эканлиги ва бу имкониятлардан самарали фойдаланишга эришиш учун тизимили ва кескин ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланган [4]. И.Ш.Норковилов томонидан тайёрланган "Сугурта компанияларида молиявий бошқарувни такомиллаштириш йўллари" номли мақолада таъкидланишича, Ўзбекистондаги сугурта компанияларида кўпгина раҳбарларининг хатоси шуки, улар компаниянинг универсал бошқарувини қидиришади, сугурта компанияларининг барча муаммоларини ҳал кила оладиган усулини узлаштиримокчи бўлишиади. Шунинг учун менежментнинг юз фоизга ишлайдиган янги назарияси ёки концепциясига бўлган иштиёқ пайдо бўлади. Аслида менежментдаги муваффакият университетни топишдан иборат эмас, балки компанияга нисбатан турли хил бошқарув воситаларининг моҳирона комбинациясидан иборат бўлиб, улар ривожланнишининг турли босқичларida бўлиши мумкин, улар ўзига хос хусусиятларга ва ўзига хос маданиятга эга бўлади. [5]

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуулар (Methods/Методы). Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил килиш, гурухлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва киёсий таққослаш усууларидан самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Результаты). Олиб борилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон сугурта бозорининг ҳозирги ривожланиш тезлиги ривожланган мамлакатлар даражасига етиш учун жуда узок вақт талаб килиши, ушбу масофани 25-30 йилда босиб ўтиш учун талаб килинадиган йиллик ўсиш даражаси кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, бозорнинг ривожланишига тўсик

бўлаётган ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ). Сугурта фаолияти тадбиркорлик таваккалчиликлари оқибатларини, ҳалқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиш, ижтимоий ҳайдаги барқарорликни таъминлаш, иктисодиётга инвестициялар йўналтириш учун сезиларни манбаларни шакллантириш ҳамда инвестиция рискларини юмшатиш хусусиятларига егалиги билан иктисодиётнинг етакчи соҳаларидан бирни сифатида амал қиласди. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг ривожланган сугурта бозорлари ҳалқаро сугурта бозорининг қисми сифатида ҳалқаро бозорларга хос катта ҳажмдаги рискларнинг сугуртавий химоясини таъминламоқда. Натижада бундай сугурта бозорларининг мамлакат ЯИМдаги хиссаси 8-12 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда сугурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда ҳалқаро сугурта бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашига эришиш йўлида давлатнинг ташаббускорлигига изжобий ишлар амалга оширилмоқда. Республика иктисодий-сиёсий ҳайдатининг барча жабхаларida бутунги кунда юз берадиган изжобий ўзгаришлар иктисодиёт молия тизимининг таркиби қисми хисобланган сугурта соҳасининг роли ошиб бориши учун объектив шарт-шаронитларни яратмоқда. Якин 2019 йилдан бўйи янги таҳрирга “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг ҳамда турли меъёрий ҳужжатларнинг кабул килинганини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўғридан-тўғри сугурта соҳасига тааллукли 2 та қарори (2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланнишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”[6] ва 2021 йил 23 октябрдаги “Сугурта бозориниң ракамлаштириши ва хаёт сугуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[7]) ва Вазирлар махкамасининг ўнга якин карорлари кабул килинганини ушбу соҳага бўлган эътиборнинг кай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Аммо, амалга оширилган бундай чора-тадбирлар сугурта бозорида кескин ўзгаришлар қилиш ва унинг жадал кенгайишини таъминлаш учун етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу хulosani Ўзбекистон сугурта бозорининг иктисодиётдаги ўрни ва ахоли орасига кириб борганлик даражасини белгиловчи икки кўрсаткич билан асослаш мумкин: сугурта компаниялари томонидан тўплланган сугурта мукофотларининг ЯИМдаги хиссаси (1-жадвал); киши бошига тўри келаётган сугурта мукофотлари (2-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон сугурта бозорида тўпланаётган сугурта мукофотларининг ЯИМдаги хиссаси (млрд.сўм)

Йиллар	ЯИМ	Сугурта мукофотлари	ЯИМда мукофотлари улуси	Сугурта % да	Ўсиш ёки камайиш, % да
2017	249100,1	927,5	0,37		+0,02
2018	407500,0	1635,2	0,40		+0,03
2019	511800,0	2314,1	0,45		+0,05
2020	580200,0	2211,7	0,38		-0,07
2021	734600,0	3733,0	0,50		+0,12
2022	888340,0	6231,7	0,70		+0,20

<http://www.mf.uz ҳамда stat.uz сайtlari maъlumotlariacosida mualzif tomonidan tayёрланган>

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда, миллий сугурта бозорида тўпланаётган сугурта мукофотларининг ЯИМга нисбатан ўсиши 6 йил давомида 0,33 фоизни ташкил этган. ЯИМ ўсиши хозирги даражада давом этган ҳолатда, сугурта мукофотларининг йиллик ўсиш даражасини 2022 йилдаги ўсишни эътиборга олган ҳолда 0,20 фоиз деб оладиган бўлсақ, ривожланган мамлакатлардаги сугурта мукофотлари ЯИМдаги хиссасининг ўртача даражасига этиш учун (ушбу даражага 8 фоизни ташкил этмоқда [8]) 37 йил керак бўлар экан ( $0,20 \times 37 = 7,40 + 0,70 = 8,10$ ).

Ушбу кўрсаткичининг йиллик ўсиши 0,50 фоизни ташкил этган ҳолатда, ривожланган мамлакатлардаги ўртача даражага этиш учун 15 йил керак бўлади ( $0,50 \times 15 = 7,50 + 0,70 = 8,20$ ). Демак, сугурта мукофотларининг ЯИМга нисбатан камида 0,5 фоизлик йиллик ўсиш даражасини таъминлашга эришиш мамлакатимиз сугурта соҳасининг яхши ривожланётганлигидан далолат берган бўлар эди.

#### 2-жадвал

#### Ўзбекистонда тўпланаётган сугурта мукофотларининг ахоли сонига нисбати кўрсаткичлари

Йиллар	Ахоли сони (млн. киши)	Сугурта мукофотлари (млрд. сўм)	Бир кишига тўғри келадиган сугурта мукофоти (сўм)	Ўсиш ёки камайиш (сўм)
2017	32120,5	927,5	28876	
2018	33254,1	1635,2	49173	+20297
2019	33905,8	2314,1	68251	+19078
2020	34558,9	2211,7	63998	-4253
2021	35271,3	3733,0	105837	+41839
2022	35421,5	6231,7	175930	+70093

<http://www.mf.uz ҳамда stat.uz сайtlari maъlumotlariacosida mualzif tomonidan tayёрланган>

Тўпланаётган сугурта мукофотларининг ахоли сонига нисбати кўрсаткичи сугуртанинг ахоли орасига қай даражада кириб борганлигини (2-жадвал), унинг оммавийлашганлик даражасини билдирувчи кўрсаткич бўлиб, юкорида таҳлил килинган кўрсаткич билан ўзаро боғлиқ, яни бирининг ўсиши иккинчисининг ўсишига таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткичининг 6 йил давомидаги ўртача ўсиш даражаси 25 922 сўмни ташкил этган. 2022 йилдаги ўсиш даражасини хисобга олган ҳолда, ўртача ўсиш даражасини 70 000 сўм деб олганимизда, ривожланган мамлакатларда киши бошига тўғри келувчи сугурта мукофотининг ўртача даражасига этиш учун (ушбу даражага 3000 АҚШ долларини ташкил этмоқда [8]) 49 йил керак бўлар экан ( $70093 \times 48 = 3\ 364\ 464 + 175930 = 3\ 540\ 394$ ). Ушбу кўрсаткичининг йиллик ўсишини 220 000 сўмга етказишга эришилган ҳолатда, ривожланган мамлакатлардаги ўртача даражага этиш учун 15 йил керак бўлади ( $220\ 000 \times 15 = 3\ 300\ 000 + 175\ 930 = 3\ 475\ 930$ ). Ушбу хисоб АҚШ долларининг сўмга нисбатан хозирги ўртача курси асосида ва ахоли ўсишини хисобга олмаган ҳолда хисобланди.

Сугурта бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи юкоридаги икки кўрсаткич бўйича амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиккан ҳолда холоса килиш мумкин, Ўзбекистон сугурта бозорининг ўсиши даражаси ушбу бозорни ривожланган мамлакатлар сугурта бозорлари даражасига етказиш учун сезиларли даражада паст эканлиги, мазкур даражага етказиш учун ўсиш даражасини бир неча баравар ошириш зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда кўйидаги холосалар шакллантирилди:

1) сугуртанинг алохида нотижорат шакли хисобланган ўзаро сугуртани маҳаллаларда ва кишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехкон хўжаликлари ҳамда томорка ер эгалари ўртасида йўлга кўйиш;

2) аҳолининг асосий қисми мусулмон динига мансублигидан келиб чиқиб, такофул (исломий) сугуртани оммавийлаштириш учун шарт-шаронитлар яратиш;

3) кам таъминланган ахоли қатламларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашда сугурта хизматларидан самарали фойдаланиши мақсадида, давлат-хусусий шерикчилиги асосида микросугурта хизматларини йўлга кўйиш;

4) ахоли, корхона ва ташкилотларга тегишли кўчмас мулк обьектларини ёнғиндан сугурталашни мажбурий сугурта сифатида қонунчилик асосида киритиш;

5) хорижий мамлакатларнинг сугурта соҳасидаги илгор тажрибаларидан фойдаланиши ҳамда сугурта бозорида ракобатни кучайтириш мақсадида, чет эл сугурта компанияларининг Ўзбекистон бозорида тўғридан-тўғри фоалият кўрсатишлари учун йўл очиб бериш;

6) потенциал сугурталанувчиларда сугурта ташкилотларига нисбатан ишончни таъминлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқилаётган шартнома шартлари ҳамда тариф ставкалари устидан давлат назоратини йўлга кўйиш;

7) сугурталанувчиларни сугурталовчилар олдиаги хукуқларини давлат томонидан ҳимоя килишини кучайтириш ва сугурта компанияларни фоалиятининг шаффоффларини оширишга қаратилган тартиб-қоидаларни амалга киритиш;

8) мажбурий тиббий сугуртанинг камрови ҳамда хизмат ҳажмини кенгайтириш. Мажбурий тиббий сугуртани амалга оширишга тижорат сугурта компанияларини жалб килиш.

Сугурта соҳаси ўзининг ривожланган даражасида иқтисодиётнинг базавий тизимларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай даражага эришиш учун сугуртани ташкил қилишининг иккита асосий шакли амал қилини ва доимий таомиллаштириб борилиши зарур. Булар: тижоратга асосланган сугурта ва ўзаро сугурта шаклларидир [9]. Бутунги кунда ўзаро сугурта миллий бозорларда катта ҳажмда сугурта хизматларини кўрсатиши билан бирга, ҳалқаро даражага кўтарилиган бир пайтда, Ўзбекистонда ушбу соҳанинг қонунчилик базаси етарлича шаклланмаган. Бу бўйича алоҳида Қонун лойиҳаси бир неча йил олдин ишлаб чиқилиган бўледа, уни Олий мажлис палаталарида муҳокама қилиш амалга оширилмаяти.

АКШ, Канада, Европа иттифоқи мамлакатларида ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида кишлук хўжалигини ўзаро сугурталаш жамиятлари ташкил этиш орқали сугурталаш бўйича узоқ йиллик тажриба тўпланган бўлиб, бу ўзининг юкори самарасини бериб келмоқда. Масалан, Канада тажрибасини келтирадиган бўлсақ, ушбу мамлакатда фаолият кўрсатадиган кишлук хўжалиги сугуртасига ихтисослашган ўзаро сугурталаш жамиятлари иккى юз йилдан ортик тарихий тажрибага эга. Бу мамлакатда ушбу фаолият уч босқичда ташкил этилган: локал ўзаро сугурталаш жамиятлари, ўзаро сугурталаш жамиятларининг уюшмалари ва уюшмалар иттифоқи. Ўзаро сугурталаш жамиятни аъзолари бўлган фермерлар бир вактнинг ўзида сугурталовчи ва сугурталувчи хисобланади. Яъни ҳар бир аъзо мазкур жамиятнинг сугурта хизматларидан фойдаланган ҳолда, ушбу жамият фаолияти учун бирдай жавобгардир [10]. Шу туфайли бу жамиятларда маълумотлар шаффоғлиги таъминланган, жамиятнинг фойдасига барча аъзолар шерик ва зарари учун ҳар бир аъзо жавобгар хисобланади. Жамият ортиқча ҳаражатлардан холи иш юритади.

Ўзбекистонда кўп сондаги потенциал сугурталувчиларда сугурта компанияларига нисбатан ишончсизлик узоқ йиллардан бери давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби - сугурта ҳодисаси юз берганда кўрилиган зарарни ҳеч қандай қийинчилик ва тўсикларсиз тўлаб бериш тизимининг яратилмаганинигидир. Сугурта компаниялари томонидан сугурта шартномалари шартлари кўпроқ сугурта компанияси манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилиши, яъни, сугурта ҳодисаси юз берганда сугурталовчиди қопламани тўлаб бермаслик ҳукукини берувчи шартларнинг шартномада ўз аксини тоғлангидиги.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон сугурта бозорида умумий сугурта тармогига тўланган сугурта қопламалари ҳамда уларнинг сугурта мукофотларига нисбати

№	Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	Сугурта мукофотига нисбатан сугурта қопламалари улуси, % да		Тўловларнинг олдинги йилга нисбатан ўчиш ёки камайини, % да
				2021	2022	
1.	Сугурта мукофоти, (млрд.сўм) шундан:	3015,8	4707,1	-	-	+156,1
	Мажбурий сугурта	476,3	491,3	-	-	+103,1
	Ихтиёрий сугурта	2539,2	4215,8	-	-	+166,0
2.	Тўланган сугурта қопламаси, (млрд.сўм) шундан:	618,8	1098,8	20,5	23,3	+2,8
	Мажбурий сугурта	182,4	232,8	38,3	47,4	+9,1
	Ихтиёрий сугурта	436,4	866,7	17,2	20,6	+3,4

IMDA.UZ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

3-жадвал маълумотларига кўра, 2021 йилда тўланган сугурта қопламалари мазкур йилда тўпланган сугурта мукофотларининг 20,5 фоизини ташкил этиб, 2022 йилда ушбу кўрсаткич бирор ошиб 23,3 фоизни ташкил этган. Сугурта қопламалари даражаси айнинча ихтиёрий сугуртада паст бўлган. Аммо бундай кўрсаткич барча сугурта компанияларига хос эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Тўплаган сугурта мукофотининг 52 фоизи ва ундан камроқ қисмини қоплама учун тўлаб берган сугурта компаниялари билан бир каторда ийл давомида умуман тўлов амалга оширгмаган ёки тўплаган сугурта мукофотининг 0,3 фоизинигина қоплама учун йўналтирган сугурта компанияларининг фаолият кўрсатиши [11] натижасида бозордаги умумий кўрсаткич пасайиб кетган. Сугурта қопламасини тўлаш бўйича жуда паст кўрсаткичга эга бўлган сугурта компанияларига нисбатан “соҳта сугурталовчи” иборасини кўллаш мумкин. “Соҳта сугурталовчи”лар сугурта бозорида фаолият кўрсатар экан,

сугурталанувчиларда сугурта хизматларига бўлган ишонч тикланмайди.

Сугурта хизматларидан фойдаланмасликка республикамиздаги баъзи ахоли қатламларида сугурта хизмати шариат талабларига тўгри келмайди деган фикрнинг мавжудлиги хам сабаб бўлмоқда. Ахолисининг катта қисми мусулмон динига мансуб бўлган давлатлар ва ҳаттоқи тўлиқ мусулмон мамлакатларда сугурта хизматларининг ахолини қамраб олганлик даражаси бизнинг мамлакатдигидан бир неча баравар юкори эканлигини кўриш мумкин. Бундай мамлакатларда бир вактнинг ўзида анъанавий сугурта хизматлари ҳамда ушбу сугуртадан кўп фарқ кильмайдиган исломий сугурта (такофул сугурта) ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Аслида сугурта хизматлари ижтимоий химоянинг бир кўриниши бўлиб, шу туфайли, ижтимоий аҳамияти юкори бўлган бир канча рисклар мажбурий сугурта сифатида қонун асосида амалга киритилади. Мамлакатимизда шундай хусусиятга эга бўлган рисклар сифатида транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги, иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг ўз ходимлари олдиаги жавобгарлиги ҳамда йўловчи ташувчи корхоналарнинг йўловчи олдиаги жавобгарлиги қонун асосида мажбурий сугурталанади. Тиббий хизматлар билан боғлик мажбурий сугурта ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич амалга киритилмоқда. Ушбу сугурта давлат мулкига асосланган ягона сугурта ташкилотни ташкил этиш орқали, яъни ўзаро ракобат мухитини яратмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Аммо ушбу мажбурий сугурта турлари етарли эмас. Чунки бу каби ижтимоий аҳамияти юкори бўлган рисклар талайгина. Мисол тарикасида келтириш мумкин, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини ёнғиндан сугурталаш. Бу борада яна шунни таъкидлаш мумкин, дунё олимларининг хуласаларига кўра, мажбурий ва ихтиёрий сугурта ўртасидаги оптимал нисбат 30/70 хисобланади. 2022 йил натижалари бўйича Ўзбекистонда амалдаги мажбурий сугурта турларининг жами сугурта хизматларидаги хиссаси 10,4 фоизни ташкил этди.

Ёнгиллар масаласига кайтадиган бўлсақ, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг бино ва иншоотларида турли сабаблар натижасида юз берадиган ёнгиллар сони бир йилда ўртача 14 000 тани ташкил этди. Ёнгин натижасида кўриладиган моддий зарарлар одатда катта миқдорни ташкил этди. Корхонага етказилган бундай зарар натижасида мазкур корхонанинг кейинги фаолияти жиддий қийинчиллик учрайди. Оила хонадонларида юз берган ёнгиллар эса оиласининг танг ахволда қолишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатларни ҳар томонламида таҳлил килган ҳолда, 2019 йил 30 апрелда Ички ишлар вазирилгининг Ёнгин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган республика миқёсидаги конференцияда кўчмас мулк обьектларига нисбатан ёнгин сугуртасини мажбурий сугурта сифатида киритишни ҳукуматдан сўраш тўғрисида баённома тузиленган эди. Аммо бу ўз натижасини бермади.

Мамлакатимизда кам таъминланган оиласалар, ёлгиз оналар, аёллар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида темир дафтари, аёллар дафтари, ёшлар дафтари каби маҳсус рўйхатлар шакллантарилиб, ушбу рўйхатга киритилганларга турли кўринишдаги моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Ушбу мақсадларга катта миқдордаги бюджет маблағлари сарфланади. Аммо ушбу маблағлар асосан бундай оиласаларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, қундаки эҳтиёжларини таъминлаш кабиларга каратилган бўлиб, турли кутилмаган ходисалар натижасида кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланмаган.

Юкорида келтирилган, кам таъминланган ахоли қатламларини турли кутилмаган ходисалардан моддий химоялаш мақсадида микросугурта хизматларидан фойдаланиши йўлга кўшиш тажрибадан ўтган самарали восита хисобланади. Ушбу химояни давлат-хусусий шерикчилиги асосида йўлга кўшиш, яъни сугурта мукофотини давлат томонидан тўлаб бериш орқали кам таъминланган ахоли қатламларини ёппасига сугурталашга эришиш мумкин.

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение). Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида куйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга кўйидагича жавоблар шаклланди: Ўзбекистонда сугурта соҳасининг ривожланганлик, унинг ахоли орасига кириб

борганилк даражаси қандай? Унинг ривожланиши шу даражада давом этадиган бўлса, ривожланган мамлакатлар даражасига қачон етади ва яқин 15-20 йилда улар даражасига етиш учун сугуртанинг йиллик ўсишини қандай бўлиши керак? Йиллик ўсишининг даражасига қандай холатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Йиллик ўсишини ошириш учун нималар қилиш керак? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Мақола бўйича хулоса ва таклифлар (Conclusions/Заключения).

#### References:

1. Баратова Д. Ўзбекистонда сугурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, №5 2017 й.
2. Тошназарова Л. Ўзбекистон сугурта бозорида ракобатни ривожлантириш йўллари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, №4 2021 й.
3. Умиров А.Т. Ўзбекистон сугурта бозорида ракобат мухитининг хорий холати ва унинг таҳлили.//Иқтисодиёт ва таълим, №1 2020 й.
4. Аробиддин Т.Қ. “Ўзбекистонда сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришин таъминлаш масалалари”. //UzBridge электрон журнали.№1-сон, 2020 й.
5. Норқобилов И.Ш. “Рақамли иқтисодиёт: Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий онлайн конференция. Тошкент, 2020 йил 24 декабр.
6. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон.
7. Конунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2021 й., 07/21/5265/0992-сон.
8. Страховое дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон
9. Страховое дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон
10. Логвинова И.Л. Взаимное страхование в России: особенности эволюции. //Финансы и статистика, 2017. №2
11. Кўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ўзаро сугурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. Т.: Иқтисодиёт 2021.
12. IMDA.UZ сайти маълумотлари

Юкорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқкан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, сугурта иқтисодиётнинг баркарорлигини таъминлаш ва инвестициявий маңба сифатида хизмат қилиши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаши билан етакчи тармок даражасига кўтарилиши учун давлатнинг ташаббускорлиги ҳамда ушбу соҳани илмий жиҳатдан доимий равишда ўрганиш талаб этилади.